

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ж.М.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Норбаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Эргашев, жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, судланувчи [REDACTED] нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] / - 1985 йил 4 май куни Бухоро туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, уй бекаси, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бухоро шаҳар “[REDACTED]” МФЙ “[REDACTED]” кўчаси [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича 05.02.2022 йилда “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 14.02.2022 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “г” банди ва 173-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 29 ноябрь куни соат 12:30 ларда таниши [REDACTED] Бухоро шаҳар “[REDACTED]” кўчаси [REDACTED]-уйига ғайриқонуний равишда кириб, уйнинг дахлиз қисмидаги ёғоч сандиқ ичида сақланган 1 дона баҳоси 1.000.000 сўмлик майда оқ тошли тилла аёллар узуги, 1 дона баҳоси 200.000 сўмлик оқ тошли аёллар нуқра узуги, 1 жуфт баҳоси 2.000.000 сўмлик қошсиз аёллар тилла зираклари, 1 дона баҳоси 1.000.000 сўмлик катта оқ тошли тилла зирагини, 1 дона баҳоси 2.000.000 сўмлик аёллар тилла бўйин занжирини, 1 дона баҳоси 1.000.000 сўмлик тилла браслет-қўл занжирини, 1 жуфт баҳоси 2.000.000 сўмлик тош кўзли аёллар тилла сирғасини, 1 дона баҳоси 1.000.000 сўм бўлган аёллар тилла никоҳ узугини, 1 дона баҳоси 1.000.000 сўмлик аёллар тошсиз тилла узуги ва 1 дона баҳоси 500.000 сўмлик тилла кулонни яширин равишда талон-торож қилиб, жабрланувчига жами 11.700.000 сўм миқдорда моддий зарар етказиб, ўғирлик жиноятини содир қилган.



Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзгага тегишли мулкни қасддан нобуд қилиш ва ўғирлик жинояти изларини яшириш мақсадида, 2021 йил 29 ноябрь куни соат 12:40 ларда [REDACTED] тилла тақинчоқларини яширин равишда талон-торож қилганидан сўнг, жабрланувчининг Бухоро шаҳар “[REDACTED]” кўчаси [REDACTED]-уйининг тилла тақинчоқлар сақланган хонасига атрофдагилар учун хавфли усулда судга оид кимёвий-ёнғин техника экспертиза хулосасига кўра бензин ёнилғиси билан қасддан ўт қўйиб, ёқиб юбориб, жабрланувчига 5.191.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қўшниси [REDACTED] билан дугона тутиниб, у билан борди-келди қилиб турганлигини, [REDACTED] унга тилла тақинчоқларини кўрсатган вақтида, тақинчоқлар уй даҳлизидаги ёғоч сандиқ ичидаги сумкада кофе шиша идишида сақланишини кўрганлигини, кейинчалик, унда ушбу тақинчоқларни ўғирлаб олиш фикри пайдо бўлганлигини, 2021 йил 29 ноябрь куни эрталаб соат тахминан 09:00 ларда [REDACTED] уйдан чиқиб кетганлигини кўриб, унинг уйда йўқлигидан фойдаланиб, шу куни соат тахминан 12:30 ларда ўзи билан унинг уйдан олиб чиққан иккинчи калити билан очиб ичкарига кирганлигини, уйдаги тиллалар турган сандиқни очиб, шиша идишнинг ичидан тилла тақинчоқларни олганлигини, сўнгра сандиқни устига кўппачаларни қайта териб қўйиб, кўрпалардан бирини пахтасини гугурт билан ёқиб, ўзи уйдан чиқиб кетганлигини, ўғирлаб олган тилла тақинчоқларини эса уйига олиб бориб яшириб қўйганлигини, шу куни Бухоро шаҳар “Марказий деҳқон бозори”га бориб, соат тахминан 13:00 ларда [REDACTED] кўнғироқ қилиб, бирга тушлик қилишни таклиф қилганлигини, улар “Марказий деҳқон бозори” ҳудудидаги ПМК бозоридаги ошхонада тушлик қилишиб, сўнгра [REDACTED] билан бирга Бухоро тумани Гала Осиё шаҳарчасига борганликларини, у ердан чамаси соат 15:00 ларда уйга қайтиб келаётган вақтларида, қўшни аёл олдиларидан чиқиб, [REDACTED] унинг уйи ёнаётганлигини билдирганлигини, шу вақтда ёнғинни ўчириш хизмати ходимлари келиб, уйдаги барча куйган буюм ва жиҳозларни ҳовлига чиқариб ташлаганликларини, у ҳам бошқа қўшнилар билан ёнғинни ўчиришга ёрдамлашган бўлиб, тилла тақинчоқларни ўғирлаганлигини ва уйга ўт қўйганлигини ҳеч кимга айтмаганлигини, ёнғин бартараф қилинганидан сўнг, [REDACTED] тилла тақинчоқлари бўлган шиша идишни кўриб, тақинчоқлари йўқолганлигини айтганлигини, ёнғин ўчирувчилар ҳолат юзасидан ИИБга хабар берганликларини, ИИБ ходимлари келиб ҳолат юзасидан суриштирув ўтказишиб, ундан [REDACTED] уйига ўт қўйиб, тилла тақинчоқларни ўғирлашда гумон қилаётганликларини айтганларидан сўнг у бўлган воқеани айтиб берганлигини, у тилла тақинчоқларни бир қисмини нотаниш фуқароларга сотиб юборганлигини, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарарларни қоплаб, унинг уйини ҳам таъмирлаб берганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини, қарамоғида вояга етмаган



фарзандлари борлигини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида 2021 йил 29 ноябрь куни соат тахминан 09:00 ларда уйдаги газ плитадан газ чиққанлиги сабабли “104” хизматига қўнқироқ қилиб, уйига уста чақиртирганлигини, соат тахминан 10:00 ларда болаларини олиб боғчага ва мактабга қўйиб, сўнгра қўшниси [REDACTED] билан кўчада юрганлигини, соат тахминан 15:00 ларда уйига келаётган вақтида газ идораси ходими билан кўчада учрашганлигини, у унга уйи ёнаётганлигини айтганлигини, шунда улар ҳовлига кирган вақтларида уй ичкарасидан тутун чиқаётганлигини кўрганлигини, эшикни очганида эса даҳлиздаги сандиқ ёнаётган ҳолатда бўлганлигини, шунда дарҳол ёнғинни ўчириш хизматига қўнғироқ қилганлигини, ёнғин ўчириш хизмати ходимлари ёнғинни ўчириб, чала ёнган нарса ва буюмларни барчасини ҳовлига чиқариб ташлаганликларини, шунда у сандиқ ичидаги шиша идишда бўлган тилла тақинчоқлари йўқлигини билганлигини, чақирувга асосан ИИБ ходимлари келишиб, суриштирув ишларини олиб борганликларини, эртаси куни ёруғда [REDACTED] билан ҳовлидаги куйган буюмларнинг қолдиқларини кўздан кечирганларида, қўшниси [REDACTED] унга тегишли бир жуфт зирак, иккита тилла узук ва бир дона нуқра узугини топиб олиб, унга тақдим қилганлигини, ушбу узуклардан бирида ўралган изоляцион лента куймаган ҳолатда бўлганлиги учун унда [REDACTED] нисбатан шубҳа уйғонганлигини, бундан ташқари [REDACTED] унинг уйини ва сандиғини калитлари қаерда туришини ҳам билганлигини, у тилла тақинчоқлар топилганлиги ҳақида ИИБ ходимларига билдирганида, улар ҳолатни ўрганишиб, уйдаги тилла тақинчоқлар қўшниси [REDACTED] томонидан ўғирланганлигини ва унинг ўзи жиноят изларини яшириш учун уйига ўт қўйганлиги аниқланганлигини, жами йўқолган 11.700.000 сўм миқдордаги тилла тақинчоқлари [REDACTED] томонидан тўлиқ қайтарилганлигини ҳамда уйига ўт қўйилиши натижасида етказилган зарарлар ҳам тўлиқ қопланганлигини, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, унга нисбатан бирор даъвоси йўқлигини билдириб, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида 2021 йил 29 ноябрь куни соат тахминан 11:00 ларда ФВБ ходими Қаландаров Жаҳонгир Бухоро шаҳар “[REDACTED]” кўчасида ўтказилаётган куз-қиш мавсуми бўйича текширув давомида ушбу кўчанинг [REDACTED]-уйида яшовчи фуқаро [REDACTED] исмли аёл уйдаги газ плитаси носозлигидан мурожаат қилганлигини, шу хонадонга мутахассис юбориб газ плитасини таъмирлатиб беришни айтганлигини, шундан сўнг у соат тахминан 13:00 ларда чилангар [REDACTED] ушбу манзилга бориб, уйдаги газ плитасини таъмирлаб беришини тушунтирганлигини, тахминан соат 16:00 ларда [REDACTED] айтилган манзилга бориб, унга қўнғироқ қилиб, ушбу хонадонда ёнғин бўлаётганлигини, хонадонни газ тарқатиш тармоғидан узиб қўйганлигини билдирганлигини, ФВБ ходимлари келишиб, ёнғин газдан келиб чиқмаганлигини аниқлаганликларини билдириб кўрсатув берди.



Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида 2021 йил 29 ноябрь куни соат тахминан 14:50 ларда Бухоро шаҳар “[REDACTED]” кўчасида яшовчи фуқаро [REDACTED] уйида газ сизиб чиқётганлигини билдириб ходим юборишни сўраганлиги сабабли раҳбариятнинг кўрсатмасига асосан манзилга борганлигини, у билан кўчада кўришиб, хонадон эгаси [REDACTED] кириш дарвозасини қулфини очиб ичкарига кириб, бақириб уйи ёнаётганлигини айтиб кўчага чиққанлигини, у дарҳол газ трубасини тармоқдан узганлигини, шу вақтда хонадон соҳибаси ўт ўчириш хизматиغا кўнғироқ қилиб ёнғин ҳақида хабар берганлигини, орадан бироз вақт ўтиб етиб келган ёнғин ўчириш хизмати ёнғинни ўчириб, хонада ёнаётган буюм ва нарсаларни ҳовлига чиқариб ташлаганлигини, ёнғин бартараф қилинганидан кейин [REDACTED] уйидаги сандиғи ичида шиша идишда бўлган тилла тақинчоқлари йўқлигини айтганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари келишиб, ходиса жойини кўздан кечиришиб, тилла тақинчоқларни топа олмаганликларини, ўтказилган таҳлиллар натижасида ёнғин газдан келиб чиқмаганлиги аниқланганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувлари, ариза ва хабарнома (и.в. 3-4), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар (и.в.5-13), “Бухорошаҳаргаз” газ таъминоти бўлимининг 2021 йил 30 ноябрдаги маълумотномаси (и.в. 20), нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш тўғрисида баённома (и.в. 22), ёнғин ҳақидаги далолатнома (и.в. 31), ашёвий далилни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси (и.в. 38), судга оид ёнғин-техникавий экспертизасининг 2022 йил 31 декабрдаги хулосаси ва фотосуратлар (и.в. 86-95), суд-трасология экспертизасининг 2022 йил 20 январдаги 22-сонли хулосаси ва фотосуратлар (и.в. 137-139), суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 18 январдаги 531-сонли хулосаси ва фотосуратлар (142-144), суд ёнғин-техникавий экспертизаси бўйича давлат суд экспертнинг 2022 йил 26 январдаги 857-сонли хулосаси ва фотосуратлар (и.в. 150-153), нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва фотосуратлар (и.в. 155-157), ашёвий далиллар ва иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд судланувчи [REDACTED]нинг ўзганинг хонадонига ғайриқонуний равишда кириб ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилганликдаги ҳамда атрофдагилар учун хавфли усулда ўзганинг мулкани қасдан нобуд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди ҳамда 173-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED]нинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.



Суд судланувчи [REDACTED] қилмишни ғаразли ва бошқача паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси “к” бандида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак”лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандида, судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги қайд этилган.

Суд, юқорида қайд қилинган Қонун талаби ва Пленум қарорининг тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оиласида ягона боқувчилигини, аёл киши эканлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, иш бўйича жабрланувчига етказилган зарар қопланганлигини шу билан бирга содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишни ғаразли ва бошқача паст ниятларда содир этилганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларини инобатга олиб, унга у айбланаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди, 173-моддаси 2-қисми “б” банди билан модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд ашёвий далил сифатида эътироф этилган 1 дона аёллар нуқра узуги, 1 жуфт қошсиз аёллар тилла зираклари, 1 дона катта оқ тошли тилла зирак, 1 дона аёллар тилла бўйин занжири, 1 дона тилла браслет-қўл занжири, 1 жуфт тош кўзли аёллар тилла сирғаси, 1 дона аёллар тилла никоҳ узуги, 1 дона аёллар тошсиз тилла узуги ва 1 дона тилла кулонни тилхат орқали жабрланувчи [REDACTED] қайтарилганлиги инобатга олишни ҳамда ёнган сумка бўлаклари, куйинди парчалари, бир дона шиша банка, куйган сандиқ бўлакларини ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни белгилашни лозим топди.

Суд, жабрланувчига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топди.



## ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди, 173-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан 3 /уч/ йил муддатга сутканинг кеч соат 20:00 дан эрталаб 07:00 га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми “б” банди билан 2 /икки/ йил муддатга сутканинг кеч соат 20:00 дан эрталаб 07:00 га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 /уч/ йил 6 /олти/ ой муддатга сутканинг кеч соат 20:00 дан эрталаб 07:00 га қадар яшаш жойи ҳисобланган Бухоро шаҳар “ ” кўчаси -уйидан чиқишни чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

нинг зиммасига қуйидаги қўшимча таъқиқ /чеклаш/лар юклатилсин:

- кафе, бар ва ресторанларга бормаслик;
- ўз хонадонидан ташқари тўй, туғилган кунларда иштирок этмаслик;
- хар ойда икки мартаба Бухоро шаҳар ИИО Пробация бўлинмасида рўйхатдан ўтиб туриш;

- ИИБнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- Бухоро вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Озодликни чеклаш жазосини ижро қилиш Бухоро шаҳар ИИО Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган:

- 1 дона аёллар нуқра узуги, 1 жуфт қошсиз аёллар тилла зираклари, 1 дона катта оқ тошли тилла зирак, 1 дона аёллар тилла бўйин занжири, 1 дона тилла браслет-қўл занжири, 1 жуфт тош кўзли аёллар тилла сирғаси, 1 дона аёллар тилла никоҳ узуги, 1 дона аёллар тошсиз тилла узуги ва 1 дона тилла кулон тилхат орқали жабрланувчи қайтарилганлиги инобатга олинсин.



- ёнган сумка бўлаклари, куйинди парчалари, бир дона шиша банка, куйган сандиқ бўлаклари ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 /йигирма/ сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ҳукм апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга кирганидан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**Ж.Тожиев**

Нусхаси аслига тўғри.

